Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 52 (20. 919) 1991 йил 15 март, жума ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 8 тийин.

17 март—якшанба, СССР референдуми куни

ИТТИФОҚ ТАҚДИРИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Биз Ўзбекистон коммунистларини, барча меҳнаткашлари ва аҳолисини Ўзбекистоннинг мустақил, тенг ҳуқуқли республика сифатида Иттифоқ (Федерация) таркибида қолиши учун овоз беришга чақирамиз.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мурожаатидан).

● НАМУНА

СССР РЕФЕРЕНДУМИДА ОВОЗ БЕРИШ УЧУН

БЮЛЛЕТЕНЬ

1991 ЙИЛ 17 МАРТ

Тенг ҳуқуқли мустақил республикаларнинг янгиланган ҳамда ҳар қандай миллатга мансуб кишининг ҳуқуқ ва эркинликларига тўла даражада кафолат бериладиган федерацияси сифатида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини сақлаб қолишни зарур деб ҳисоблайсизми?

Кўрсатилган жавобларнинг бирини қолдириб, иккинчисини ўчириб ташланг.

ҲА ~~ЙЎҚ~~

Овоз бериш чоғида ҲА ва ЙЎҚ сўзлари ўчириб ташланган ёки иккала сўз ҳам қолдирилган бюллетень ҳақиқий эмас деб топилади.

● НАМУНА

СССР РЕФЕРЕНДУМИДА ОВОЗ БЕРИШ УЧУН

ҚЎШИМЧА БЮЛЛЕТЕНЬ

1991 ЙИЛ 17 МАРТ

Ўзбекистон янгиланаётган Иттифоқ (Федерация) таркибида мустақил тенгҳуқуқли жумҳурият бўлиб қолишига розимисиз?

Сизга маъқул бўлган жавобни қолдириб, иккинчисини ўчиришингизни сўраймиз.

ҲА ~~ЙЎҚ~~

Овоз бериш чоғида ҳар иккала жавоб ҳам қолдирилган ёки ўчирилган бюллетень ҳақиқий эмас деб топилади.

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ АЗИЗ ФУҚАРОЛАРИ!

ҚАДРЛИ ОТАХОНЛАР! МУЪТАБАР ОНАХОНЛАР! ҲУРМАТЛИ ОПА-СИНГИЛЛАР, АКА-УКАЛАР!

ЭРТА ўтиб индинга — якшанбада Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи тақдирини ҳал қиладиган СССР референдуми ўтади. Унда кўп миллатли мамлакатимиз халқлари қатори Сиз ҳам фуқаролик бурчини адо этиб, чинакам эркин ва онгли равишда ўз хоҳиш-иродангизни изҳор этасиз.

Мақсад аниқ — Иттифоқни сақлаб қолиш, эзгу ниятларга кучларни бирлаштириб, бор имкониятларни ишга солиб, ҳамкорликда эришишдир. Шунинг учун ҳам сизларни референдумга қўйилган иккала бюллетень саволларига — СССР Олий Кенгаши қўйган саволга, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати қарори билан таъсис этилган бюллетень саволига «ҲА» деб ижобий жавоб беришга чақирамиз.

Ҳар иккала бюллетень саволига

«ҲА»

деб жавоб бериш:

— мамлакатимиз барча халқларининг умумий мулки, қадрияти бўлмиш, уларнинг фаровон турмуши, бахт-саодати ва тараққиётимизнинг ишончли негизи **ИТТИФОҚИМИЗ**ни сақлаб қолиш;

— мамлакатимиз барча халқларига эркин ва тенг ҳуқуқли бўлиб яшаш имкониятларини берадиган, кўп йиллик биргаликдаги меҳнат билан яратилган улкан ишлаб чиқариш, илмий ва маданий куч-қудратимизни биргаликда, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда мудом ривожлантиришни, халқаро майдонда нуфузли, кучли давлат сифатидаги мавқеларимизни янада мустаҳкамлашни таъминлайдиган **ФЕДЕРАЦИЯ**ни янгилаш;

— ўз тараққиётининг барча масалаларини мустақил ҳал этадиган, фуқаролар жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришни эркинлик ва фаровонликнинг энг муҳим шарти деб биладиган **РЕСПУБЛИКАЛАР СУВЕРЕНИТЕТИ**ни — суверен давлатлар, федерация субъектларини қарор топтириш;

— халқаро ҳуқуқнинг ҳамма эътироф қилган меъёрларига биноан **ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ УСТУНЛИГИ**ни энг муҳим қоида деб тан олиш, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, шахсий ҳуқуқлар ва эркинликлардан фойдаланиш, қайси миллатга мансублигидан қатъи назар барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигига кафолат бериш тарафдори бўлиб чиқиш демакдир.

«ҲА, розимиз» десак, мамлакатимиз ҳозирги ва келажак авлодининг порлоқ истиқболи учун, барча халқлар, шу жумладан республикамиз халқлари ўз тақдирининг чинакам хўжайинлари бўлиши учун, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши сессиясида қабул қилинган **МУСТАҚИЛЛИК ДЕКЛАРАЦИЯСИ** амалга ошиши учун овоз берган бўламиз.

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ КЎП МИЛЛАТЛИ ФУҚАРОЛАРИ, ЖОНКУЯР МЕҲНАТКАШЛАРИ!

Референдумга қарши ташвиқот қилаётган сиёсатдонларга ишонманглар, улар бизни бу муҳим сиёсий тадбирда қатнашмасликка чақирмоқдалар, мустақил, тенг ҳуқуқли республикаларнинг Иттифоқи учун «йўқ» деб овоз беришга даъват этмоқдалар. Биз ўзимизнинг миллий қобиғимизга ўралиб қолсак, пароканда бўлиб кетсак, ютқазиб қўямиз-ку!

Кўпмиллатли республикамиз халқлари, бундай сиёсатдонларга ишонманглар! Референдумда «ҳа» деб овоз берсангиз, фарзандларингиз ва невара-чевараларингизга порлоқ истиқбол яратган бўласиз. Барча эзгу, орзу-умидларимиз янгиланган Иттифоқ туфайли рўёбга чиқишига имонимиз комилдир.

ҚАЛБИМИЗ РОЗИ

Мамлакатимиз тарихида совет кишилари олдига биринчи марта «Сиз СССРнинг тенг ҳуқуқли республикаларининг янгиланган федерацияси сифатида сақланиб қолишига тарафдормисиз ёки қаршимисиз?» деган ғоят жиддий савол қўйилмоқда. Шундай савол қўйилишининг ўзи бизда демократиянинг қарор топаётганини тасдиқловчи яна бир мисолдир. Чунки шу вақтга қадар ҳамма ўзгаришлар юқоридан — халқнинг фикри-истагини аниқламасдан амалга ошириб келинар эди.

Албатта, бундай саволнинг қўйилишини ҳаётнинг ўзи ҳам тақозо қилмоқда.

Дарвоқе, қатор республикаларнинг СССРнинг сақланиб қолишига кўнгли чопмаётгани ва ишонмаётганининг сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий асослари бор. Республикаларга нисбатан адолатсиз сиёсат олиб борилганини назарда тутиб матбуотда ва йиғинларда баъзан «чоризм сиёсатининг, империя сиёсатининг давоми» деган фикр-таъна айтилганини ўқиб, эшитиб қоламиз. Бундай эътирозларнинг асоси йўқ эмас. 1913 йилда Санкт-Петербургда нашр этилган «Туркистон ўлкаси» деган 860 варақли китобдаги бир-биридан даҳшатли икки фикрга эътиборни тортмоқчиман. Бири шуки, унда «Туркистоннинг Россияга қўшиб олинганига ярим аср бўлишига қарамай руслар маҳаллий мусулмон элементларига нисбатан йўқ даражада, шунинг учун Туркистондаги галдаги энг муҳим вазифалардан бири бу ўлкани рус аҳолиси томонидан колонизация қилишни таъминлашдир» дейилади. Иккинчи фикр—пахта Россия учун «ҳаёт-мамот масаласидир», шунинг учун бутун кучни — имкониятни пахта экиш ва кўп ҳосил олишга қаратиш керак, дейилишидир (иккала кўчирма 559-бетда).

Ахир пахта яккаҳокимлигини қарор топтириш учун кураш ўша чоризм даврида бошланиб, бизнинг кунларимизга келиб чўққисига чиқмадими? Ўша 1913 йилда Оролнинг чуқур жойи 68 метр экан, юз грамм сувда тузнинг миқдори 1,03 процентни, яъни Каспий денгизи унга нисбатан шўрроқ экан. Амударё ва Сирдарёдан Оролга секундига 2.500 куб метр сув қуйилар экан. Энг қизиғи, Орол тўлган вақтида ортиқча сув Каспий денгизига ва Сариқамиш хандақларига қуйилар экан (ўша китоб, 124-бет). Энди пахта деб Оролдан ажралиб қолиш олдида турибмиз. Оролга Сибирь сувларидан олиб келиш тўғрисида гап очилганда таниқли рус ёзувчи ва раҳбарлари тиш-тирноғи билан қарши турдилар. Орол кулфати халқимизнинг эртанги кунини — тирик қолишини хавф остида қолдириб турибди. Ўзбек халқининг аҳволи худди жаннатдаги ҳолатга ўхшайди — кўриш бору ейиш йўқ: ўзи шунча пахта тайёрлаб бир ғалтак ипга, икки метр оқликка зор, тилланинг

(Давоми иккинчи бетда).

(СССР референдуми арафасидаги республикамиз меҳнат аҳлининг фикр-ўйлари ҳақидаги мақолаларни рўзноманинг иккинчи саҳифасида ўқийсиз).

ДЎСТЛИК ВА ТОТУВЛИКДА ЯШАЙЛИК

ТОШ. 14 март. ЎзТАГ махсус мухбири С. ФЕНЮТИН хабар беради:

● Қардош ўзбек ва қирғиз халқлари ўзаро муносабатларининг минг йиллик тарихига бугун бу ерда янги саҳифа битилди. Узбекистон Президенти И. А. Каримов билан Қирғизистон Президенти А. А. Акаев Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолади.

И. А. Каримов шартномани имзолаш маросимидан кейин сўзлаган нутқида мазкур ҳужжатни иккала халқ тарихида уларнинг бундан буёнги тараққиётини белгиловчи дастлабки ва ғоят муҳим ҳужжат, деб таърифлади. Шартнома ҳар иккала республика халқларига муносиб турмушни таъминлашдан иборат асосий мақсадга қаратилган. Ушбу шартнома билан зиддиятлар ва миллатчилик кўринишлари учун қандайдир даражада замин яратган ҳамма нарсага узил-кесил чек қўйилди. Биз — қадим-қадимлардан бир диёрда яшаяпмиз, дўстлар ва яхши қўшнилар бўлиб яшаймиз.

А. А. Акаев шартнома ўзбекларнинг ҳам, қирғизларнинг ҳам халқ байрами бўлган ҳамда ҳар бир хонадонга, ҳар бир оилага тинчлик ва тотувлик келтирадиган Наврўз арафасида имзоланганлигини таъкидлади.

Шартнома Ўзбекистон билан Қирғизистоннинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги декларацияларига асосланган. Республикалар икки халқ тарихий тақдирининг яқинлигидан келиб чиқиб, давлатлараро ҳамкорликнинг барча соҳаларида ўзаро муносабатларнинг эришилган даражасини ҳисобга олиб, бу муносабатларга янги омил бахш этишга, дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлашга қарор қилди. Улар мустақил давлатларнинг янгиланган ихтиёрий Иттифоқини барпо этиш ва ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш муддаосига амал қилиб, ўз муносабатларини давлат мустақиллигини, ўз тақдирини ўзи белгилаш қонуний ҳуқуқини, тенг ҳуқуқлилик ва ички ишларга аралашмаслик, чегараларнинг бутунлиги ва дахлсизлиги қоидаларини, куч ишлатишдан, тазйиқ ўтказишнинг иқтисодий ва бошқа усулларидан воз кечишни, низоли муаммоларни келиштирувчи воситалар билан ҳал этишни ўзаро тан олиш ва ҳурмат қилиш асосида, ҳамма томонидан қабул қилинган халқаро ҳуқуқнинг бошқа қоидалари ва нормалари асосида ривожлантириш ниятидадирлар.

Томонларнинг ишончи комилки, Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик муносабатларини ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш иккала халқнинг туб миллий манфаатларига мос бўлиб тушади ва тинчлик ҳамда хавфсизлик ишига хизмат қилади. Ўзбекистон ва Қирғизистон зиммаларига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро қоидаларга риоя этиш мажбуриятини оладилар.

Шартноманинг биринчи асосий моддасида бундай жумлалар бор: «Ўзаро келишувчи юксак томонлар бир-бирларини янгиланган Иттифоқ — Федерация таркибидаги мустақил давлат деб эътироф этадилар ҳамда бошқа томоннинг давлат суверенитетига зарар етказиши мумкин бўлган ҳаракатлардан тийилиш мажбуриятини оладилар».

Шартномада миллий худбинлик ва миллий муросасизликнинг ҳар қандай кўринишлари қораланади. Томонлар миллатлараро муносабатларда экстремизмнинг олдини олиш ва уни тагтомири билан тугатиш ҳамда миллатлараро можароларга йўл қўймаслик учун энг қатъий чоралар кўриш мажбуриятини оладилар. Миллатлараро муносабатларда вужудга келадиган иқтисодий, ижтимоий, маданий муаммоларни ва бошқа муаммоларни фақат сиёсий воситалар билан ҳал этишга кафолат берилади.

Республикалар ҳамкорлигининг йўналишлари белгиланди. Улар тенг ҳуқуқлилик асосида, жумладан, мувофиқлаштирувчи умумий муассасалар орқали амалга оширилади. Инсонни ҳимоя қилиш масалалари, ташқи сиёсатда ва ташқи иқтисодий фаолиятда баҳамжиҳат ҳаракат қилиш, умумий бозорни вужудга келтириш ва ривожлантиришда, энергетика, транспорт, ахборот ва алоқа, шу жумладан, ер йўлдошлари ва телеалоқалар системаларини бошқаришда ҳамкорлик қилиш ана шундай йўналишлардир. Иккала республика ҳудудида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш, экология хавфсизлигининг кенг қамровли системасини барпо этишда иштирок этиш, фавқулодда вазиятларда ўзаро ёрдам бериш кўзда тутилган.

Ана шу йўналишларда Оролнинг экология системасини тиклашда ва Оролбўйидаги аҳоли турмуш шароитини яхшилашда иқтисодий, ташкилий, техникавий ва бошқа хил алоқалар кўзда тутилган.

Имзоланган шартнома республикаларнинг парламентларида тасдиқланиши керак. У 10 йил муддатга тузилмоқда, лекин томонлардан бири шартнома амал қилишини тўхтатиш истагини билдирмаса, у яна 10 йилга узайтирилиши мумкин.


1991-1995 йилларда иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битимни имзолаш маросими ҳам бўлди. Битимни Ўзбекистон ССР Вазирлар Кабинети Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков ва Қирғизистон Республикаси Бош вазири Н. И. Исанов имзоладилар.

* * *

Шу куни журналистлар билан учрашув бўлди. Учрашувда Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов билан Қирғизистон Республикаси Президенти А. А. Акаев сўзга чиқдилар. Улар журналистларнинг кўпгина саволларига жавоб қайтардилар.

Кечқурун икки республика санъат усталари катта концерт қўйиб бердилар.

17 март, якшанба – СССР референдуми куни



● СССР ОЛИЙ КЕНГАШИ МАМЛАКАТ НИНГ БАРЧА ФУҚАРОЛАРИГА ЯНА БИР БОР МУРОЖААТ ҚИЛИБ, СССР РЕФЕРЕН ДУМИДА ФАОЛ ҚАТНАШИШГА, ТАРИ ХИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК МАСАЛАНИ— ЯНГИЛАНАЁТГАН ДАВЛАТНИНГ — СО ВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ТАҚДИРИ МАСАЛАСИНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИ ЎЗ ҚЎЛЛАРИГА ОЛИШ ГА ЧАҚИРАДИ.

(СССР Олий Кенгашининг «СССР халқ депутатларининг СССР референдумини ўтказишга қўмаклашиши тўғрисида»ги қароридан).



● АЙНИ СУВЕРЕН МУСТАҚИЛ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ ЯНГИЛАНГАН ИТТИФОҚИ БУ РЕСПУБЛИКАЛАР ҲАР БИРИНИНГ ЭРКИН РИВОЖЛАНИШИ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТ ВА КАФОЛАТДИР.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. КАРИМОВнинг республика Компартияси Марказий Комитетининг IV пленумидаги маърузасидан).

ОРЗУЛАР УШАЛСИН

● Ҳозир ҳамманинг тилида бир сўз тез-тез такрорланмоқда. У ҳам бўлса референдумдир. Тошкентдаги жамоат фикрини ўрганиш хизматининг сўнгги маълумотларига қараганда, сўраб чиқилган кишиларнинг 90 фоизи умумхалқ овоз беришига қандай тайёргарлик кўрилаётганлигини диққат билан кузатиб турибди.

Ҳис-ҳаяжонларнинг қутбланиши чўққига етиб, ҳар ўн кишидан етти нафари бу сиёсий маъракага бефарқ қарамаётганлиги аён бўлмоқда. Шу боис кишилар рўзномалардаги мақолаларни, радио ва телевидение эшиттиришлари ҳамда кўрсатувларини изчиллик билан кузатиб, мана шу воқеага ниҳоятда қизиқиб қарамоқдалар. Хўш, референдум бизга нима келтиради? Янги умидларми ёки яна хафсала пир бўладими? Жамиятнинг танг аҳволга тушиб қолганлиги оқибатида юзага келган руҳий кескинлик юмшаядими ёки баттар кучаядими?...

Шундай бўлсада, Ўзбекистондаги вазият Иттифоқдаги аҳволдан тубдан фарқ қилади. Агар мамлакатнинг марказий минтақаларида умуман олганда аҳолининг салкам 60 фоизи референдумда қатнашишни мўлжаллаётган бўлса, бизнинг жумҳуриятимизда кишиларнинг фаоллиги анча юқори. Жумладан, Тошкент аҳолиси ўртасида биз сўраб чиққан кишиларнинг 80—90 фоизи мазкур муҳим тадбирда қатнашади.

Бизнинг социологларимиз бориб келган қишлоқ ноҳияларидаги вазият ҳам барқарорлик масаласида кишини хурсанд қилади. Одамлар ҳозир Наврўзни байрам қилишга, баҳорги дала ишларига ҳозирлик кўришмоқда. Нега деганда, бу йил 582 минг оила 1991 йил баҳорида биринчи марта ўз томорқаларида экин экишга киришадилар. Уларнинг биронтаси ҳам илгари ўз томорқасига эга эмас эди. Айни пайтда 935 минг оила ўз участкаларини кенгайтириб олган. Бу ерлар Ўзбекистон ССР Президентининг маълум фармонларига асосан шахсий ёрдамчи хўжаликлар учун, чорва моллари ва паррандаларни аҳолига сотиш ҳамда уларни озуқа билан таъминлаш мақсадида ажратилган эди. 600 мингдан зиёд кишининг ўз томорқаларида фаол меҳнатга қўшимча равишда жалб этилганлиги барқарорлаштирувчи қудратли омилга айланди.

Бугунги кунда қишлоқ меҳнат аҳли ўзбек деҳқончиларининг анъаналарини қайта тиклаб, бунёдкорлик меҳнатига шўнғиб кетдилар. Уларнинг мақсадлари аниқ. Энди эртанги кундан умидлари бор, чинакамига соҳиблик хислатларини шакллантирмоқдалар. Миллионлаб ўзбек деҳқонлари ер, сув, чорва, озуқа, хуллас, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун керакли қарийб барча нарсаларни олгач, референдумда «Иттифоқни сақлаб қолиш учун» «Ҳа» дейишни дилларига тугиб қўйганлар. Бу — умумхалқ фикридир.

Бироқ вазиятнинг мураккаблиги ва кескинлигини соддалаштириб бўлмайди. Тошкент аҳолиси орасида сўраб чиқилган кишиларнинг фақат 60 фоизигина ҳозирги референдумда аҳолининг овоз бериши ўтган сайловлардагига нисбатан юқори бўлади, деб таъкидлади. Сўраб кўрилган кишиларнинг 67 фоизи референдум ўтказиш ғоясини маъқуллади. 15 фоизи лоқайдлик билан қараганлигини, тўрт фоизи салбий муносабатда эканлигини, қолганлари эса ҳозирча аниқ бир ечимга келмаганлигини маълум қилдилар. Шу кунларда сўраб чиқилган кишиларнинг 90 фоизи референдумда қатнашишга қарор қилган бўлса, 5 фоизи эса референдумда қатнашишдан бош тортишини, яна 5 фоизи ҳозирча бу масалани ҳал этишда узилкесил қарорга келмаганлигини билдирди.

Шуниси қизиқки, яширин овоз бериш учун бюллетенга киритилган масаланинг таърифини асосан зиёлилар танқид қилмоқдалар. Сўраб чиқилган кишиларнинг деярли 80 фоизи СССР Олий Кенгаши белгилаган таърифни ижобий баҳолаяпти.

Референдум куни Иттифоқ бюллетени билан бир қаторда қўшимча равишда овоз бериш учун республика бюллетени ҳам берилади. Унда: «Ўзбекистон янгиланаётган Иттифоқ (Федерация) таркибида мустақил тенг ҳуқуқли жумҳурият бўлиб қолишига розимисиз?» деган савол бор. Бу жумҳуриятимиз аҳолисининг ушбу масала хусусидаги фикр-мулоҳазасини тўлароқ ифодалашга ёрдам беради. Ҳозир вазият шундайки, аҳолининг аксарияти Иттифоқни сақлаб қолиш учун овоз берар экан, Ўзбекистонни шу Иттифоқ таркибида мустақил ва тенг ҳуқуқли республика сифатида кўришни истайди. Албатта, ССР Иттифоқи янгиланиш учун анчамунча йўлни босиб ўтиши керак.

Хуллас, кишилар нима учун овоз беришни мўлжаллаяптилар?

Социологларимизнинг 10 мартгача бўлган тахминлари қуйидагича: Тошкент шаҳрида аҳолининг 80—90 фоизи референдумда қўйилган саволга «ҳа» деб жавоб бермоқчи. Тахминан 5 фоиз аҳоли «йўқ» дейишни кўзлаяпти. Яна шунча одам эса ҳали бир қарорга келгани йўқ ёки умуман референдумда қатнашмайди. Қишлоқ ноҳияларида эса барқарорлик деганда Иттифоқни сақлаб қолишга бўлган интилиш тушуниладиган бўлинса, у ҳолда «барқарорлик фоизи» юқоридир.

Яна бир муҳим масала. Референдумгача қолган саноқли кунларда одамлар фикрини ўзгартириш, референдумни бойкот қилишга даъват этиш ёки салбий жавоб беришга чақириш учун анчагина уринишлар бўляпти. Сўраб чиқилган кишиларнинг фақат 10 фоизигина, улар ташқи таъсир остида ўз фикр-мулоҳазаларини ўзгартириши мумкинлигини, сўраб кўрилган ҳар 5 кишидан тўрти эса ўз эътиқодида собит қолишини тан олди.

Социологик маълумотларни эълон қилиш қоидаси тадқиқот характеристикаси қандай бўлганлигини кўрсатишни талаб қилади. Ҳозирги сўраб чиқишлар СССР Фанлар академиясининг Совет социологлари уюшмаси ҳузуридаги Тошкент жамоат фикрини ўрганиш хизмати томонидан ўтказилди. Сўраб чиқилган аҳоли контингентининг математик модели томчида акс этганидек аҳоли барча қатламлари пропорциясини акс эттиради. Шундай қилиб, социологлар мингдан ортиқ кишининг фикр-мулоҳазаларини аниқладилар. Фикр-мулоҳазалар натижаси компьютер ёрдамида қайта ишланди. У турли ёшдаги, касбдаги кишиларнинг, миллатлар ва ижтимоий гуруҳлар вакилларининг ижтимоий позициясини ўрганиш имконини берди. Тадқиқотнинг тўла-тўкис натижалари «Ўзбекистоннинг ижтимоий фикри» бюллетенида март ойида ўзбек ва рус тилларида эълон қилинади.

Имкониятдан фойдаланиб, ҳозирги референдум ҳақидаги ўз қарашимни баён этмоқчиман. Одамлар фикрини аниқлаш учун бу ниҳоятда қимматга тушадиган тадбирдир. Масалан, АҚШда шу пайтгача бирон марта референдум ўтказилмаган. Қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият органлари фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олиш мақсадида мустақил социологик фирмалар маълумотларидан фойдаланишади. Ижтимоий муносабатларни уйғунлаштириш ва барқарорлаштиришнинг янги йўлларини қидиришга фаол интилаётган бизнинг республикамиз учун масалага бундай ёндашиш унинг узоқ муддатга мўлжалланган манфаатларига жавоб берган бўларди. Негаки, Ўзбекистон аҳолисининг 95 фоизи жамоат фикрини сўраб билишни ўтказишни маъқуллайди ва қўллаб-қувватлайди.

В. ЧЕРНИШЕВ,
СССР Фанлар академияси Совет социологлари уюшмаси ҳузуридаги Тошкент жамоат фикрини ўрганиш хизматининг директори.

БИРЛИКДАДИР ОБРЎ ВА КУЧИМИЗ

ҚАЛБИМИЗ РОЗИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

шон-шуҳратини эшитадию, ўзини кўрмайди, газ беради-ю, оловидан исина олмайди. Унинг устига ўзбек халқи асосан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади, саксон процентидан кўпи қишлоқда яшайди. Етмиш уч йил давомида маҳаллий миллатлардан инженер-техник кадрлар, ишчи синфи тайёрлашга ниҳоятда кам эътибор берилди. Хом ашёси бўла туриб, ундан маҳсулот ишлаб чиқара олмаган ёки хом ашёсини чет элга сотиб валюта ололмаган республикани мустақил давлат, деб бўладими?

Энди бундан кейин ҳар бир республика чиндан мустақил, ўз тақдирига, ўзининг ер ости ва ер усти бойлигига эга бўладими ёки авваллги йиллардаги каби фақат қоғозда, оғизда бўладими — ҳамма гап шунда. РКП(б)нинг XII съездида миллий масалага ниҳоятда катта эътибор берилди.

Съезд қарорларини ҳаётга тадбиқ этишга бағишланган пленумда Рисқулов асосий маърузачи сифатида минбарга чиқар экан, Туркистон коммунистларининг «биринчи навбатдаги иши» деб шаҳар ва қишлоқлардаги барча идораларда иш юритишни ўзбек тилига кўчириш ҳамда ташкилотларга маҳаллий халқдан ва маҳаллий тилни билган кадрларни қўйиш деб таъкидлайди. XII съезддан кейин Л. Троцкий Туркистон Халқ Комиссарлари Кенгаши номига юборган мактубида ҳам янги ҳаёт қурилишини фақат маҳаллий халқларнинг ўзига суянибгина амалга ошириш мумкинлигини айтиб, «акс ҳолда бу қурилиш бюрократик, демак жонсиз, мустамлакачилик, демак антикоммунистик бўлади», деб таъкидлайди. У Давлат аппаратида, ҳарбий ташкилотларда фақат маҳаллий ҳаётни билган ёки билишга интилган, унинг «ўзига хослигига ва эҳтиёжларига ниҳоятда жиддий эътибор берган» одамларнигина сақлаб қолиш, «маҳаллий халқни ва унинг тилини менсимаган, мустамлакачилик қилиқларини қилган ҳар бир кишни Туркистон давлат ташкилотларидангина эмас, балки, бутун Иттифоқ давлат органларидан шафқатсизларча қувилиши керак», дейди.

«Собеседник»нинг 1989 йил 34-сонида тарих фанлари номзоди В. Бортневскийнинг машҳур чекист Григорий Агабековнинг Октябрь инқилобининг Марказий архивида сақланаётган «ГПУ. Чекистнинг хотиралари» қўлёзмаси ҳақидаги ахбороти босилди. Мамлакатдаги нотўғри сиёсат ва адолатсизликларни кўриб, 1930 йилда чет элга қочиб кетган ва 1937 йилда Бельгияда ўзимизнинг разведкачиларимиз томонидан ўлдирилган Агабековнинг хотираларида Г. И. Бокий ҳам тилга олинади. У 1919-1920 йилларда Туркомиссия аъзоси, Туркистон фронти махсус бўлимининг бошлиғи бўлган. Ленин мактубларида бир неча бор тилга олинган, ҳатто 1921 йил 9 августда Бокийга ёзган мактубида В. И. Ленин ундан Шелехес жиноятини аниқ, конкрет асослаб беришни талаб қилади ва «тазйиқ эса ғайриқонуний ҳаракатдир» дейди (ТАТ, 53 том, 123-бет). Я. С. Шелехес шу йил отиб ташланган.

Г. Агабеков хотирасига қайтсак, у Бокий «1919-1920 йилларда Туркистонни очиқдан-очиқ террор қилди. У ҳақда ҳатто ҳозир ўн йилдан кейин ҳам Тошкентда у хом гўшт ер эди ва одам қонини ичар эди деган ривоят юради», деб ёзади. Совет ҳокимиятининг ишонган одами шу қадар ваҳший, одамхўр бўлса! Дарвоқе, Г. Агабеков МК Туркистон бюросининг ва кейин ОГПУ коллегиясининг аъзоси Я. Х. Петерсни ҳам фош этиб, «Петерес— ахлоқан бутунлай разолат ботқоғига ботган шахс. Ҳамма нарсадан ҳам уни аёллар ва шахсий ҳаёти кўпроқ қизиқтиради», дейди. Бу гапга ҳам ишониш мумкин. Чунки В. И. Ленин 1921 йил 13 сентябрда РКП (б) Туркистон бюросининг раиси А. А. Иоффега юборган мактубида Томский, Петерс, Правдинларни тилга олиб, улар олиб бораётган снёсатнинг бир томонламалиги ва ҳатто хатолигини назарда тутиб, «великорусшовинизмидан ёки, тўғрироғи, шу томонга оғишдан иборат, деб жуда шубҳаланмоқдаман. Маҳаллий халқларнинг ишончини қозониш, қозонганда ҳам уч ва тўрт карра қозониш, бизлар империалистлар эмаслигимизни, бизлар империализм томонига оғиб кетишга асло йўл қўймаслигимизни исботлаш бизнинг бутун жаҳоншумул снёсатимиз учун ғоят муҳим...» дейди. (ТАТ. 53-том, 214-бет).

Ленининг бу кўргазмалари, партиянинг XII съезди қарорлари, шунингдек, Туркистон раҳбарларининг миллий масала соҳасидаги муҳим, тўғри йўл-йўриқлари, фикрлари айниқса Ленин вафотидан кейин бутунлай четга суриб қўйилди. Мана, яна олтмиш беш ёки етмиш йилдан кейин қайтадан кўтармоқдамиз (ўзбек тилига давлат тили мақоминнинг берилиши ва ҳоказо).

Миллий кадрларни, айниқса раҳбар ходимларни тайёрлашда ҳам жиддий халқларга йўл қўйилди. Ҳатто шу даражага бориб етилдики, эл-юрт учун жон куйдирмоқчи бўлган давлат арбоблари «халқ душмани» деб ва яна аллақандай айбларёрлиқларни ёпиштириб ишдан олиб ташланаверилди. Жаҳон тан олган Бобур ҳам душманлар сафига қўшиб қўйилди. Темурни тилга олганларнинг эса тили тугилди. Марказий рўзнома ва ойномалар, ҳафтаномалар, нашриётлар, радио ва телевидение фақат бир-икки миллатни улуғлаш билан банд бўлди. Ҳатто Улуғ Ватан урушига бағишланган одам бўйи келадиган китобларда ҳам Ўзбекистоннинг ғалабага қўшган буюк ҳиссаси тўғрисида бир жумла-икки жумла умумий гап билан чегараланилди. Ўзбек халқи фидойи фарзандларини жангга жўнатди, фронт учун озиқ-овқат, қурол-яроғ тайёрлаб берди (юзлаб заводлар кўчириб келтирилиб маҳсулот берди), неча ўн минглаб ота-онасиз болалар, бошпанасиз қардошларни ўз бағрига олди. Ўзбек олимлари томонидан яратилган «Улуғ Ватан уруши даврида Ўзбекистон» деган асар уч жилддан иборат бўлиб, СССР тарихига шунииг бир бети кирса ҳам катта гап эди!

Ўзбек халқида Ватан туйғуси, киндик қони тўкилган ерга меҳр-муҳаббат, садоқат туйғуси беқиёс кучлидир, уни фақат ота-онага бўлган муҳаббат билангина қиёслаш мумкин. Бу халқнинг меҳршафқатга бой қалби бутун дунёга машҳур. Яқин-яқин йилларда ҳам ўзбекларнинг ўтмиши, бугунини қоралашга уринилди ва ҳатто бир-бирига қони қўшилган, имони-эътиқоди, дини, маслаги бир халқларни бир-бири билан уриштириб қўйишгача борилди. Ҳатто «Известия»нинг шу йил 22 февраль сонида журналист Александр Бовин ҳамма нарсани била туриб, ҳақиқатнинг юзига оёқ босиб «арманилар Озарбайжондан, қирғизлар Ўзбекистондан, руслар Тува ва бошқа ҳар хил жойлардан қочиб кетишмоқда», деб ёзди.

Мен ватандошларимни 17 мартда СССРни сақлаб қолишга—янгиланадиган федерация учун овоз беришга даъват этаман, аммо бу федерациянинг иттифоқдош республикаларга тўла маънода мустақил, эркин яшашига, барча ер ости ва ер усти бойликларига ўзлари эгалик қилишларига имконият беришини хоҳлайман, унинг миллий тарихини, миллий анъаналарини, миллий маданиятини, тилини, барча илғор маданий қадриятларини ҳурмат қилиши ва эъзозлашини истайман. Бизнинг халқимиз хонликлар даврида ажралиб, алоҳида-алоҳида яшашнинг оғир кулфатини бошидан кечирган, шунинг учун бирликни, чин дўстликни дил-дилдан қадрлайди. Энди йўл қўйилган хатоларнинг такрорланишини мутлақо истамайди. У «ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил», деган туйғу билан яшайди ва ўзгалардан ҳам шуни талаб қилади.

Биринчи бор халқнинг фикри-тилаги сўралмоқда, федерациянинг эртанги тақдири, демак ўзимизнинг тақдиримиз ўз қўлимизда, ўтган йиллардагидек яшаймизми ёки янгича яшаймизми—ўзимизга боғлиқ

Салоҳиддин МАМАЖОНОВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.



● Мамлакатимиз тақдири учун айни масъулиятли кунларда Наманган районидаги Свердлов номли жамоа хўжалиги сут-товар фермаси аъзолари астойдил меҳнат қилаётирлар. Айниқса, илғор сигир соғар Зоҳида Раҳматуллаева кўпчиликка ибрат бўлмоқда. У бу йил ўз боқимидаги 25 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 3 минг килограммдан серқаймоқ маҳсулот олишга аҳд қилган.

В. МОЛГАЧЕВ суратга туширган.

ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ МУНОСАБАТЛАР УЧУН

Жумҳуриятимиз аҳолисининг асосий қисми қишлоқда яшайди. Хўш, уларнинг референдум ўтказиш, Иттифоқнинг ўзи ҳақидаги фикри қандай?

Қодир МУМИНОВ, Тошкент районидаги Ильич номли жамоа хўжалиги онлавий звеноси бошлиғи:

— Умуман Иттифоқ керак. Лекин бу ҳақда чуқур мулоҳаза қилиш лозим. Менимча, референдум ўтказилишидан аввал суверен жумҳуриятлар ўртасида шартнома тузилганда кўнгилдагидек иш бўларди. Иттифоқ шартномаси бўлмаганлиги сабабли кўп миллатли мамлакатимиз халқи оғир аҳволга тушиб қолди. Дўконларнинг пештахталари бўм-бўш, озиқ-овқат ҳам, кийим-кечак ҳам етишмайди.

Хўш, нега шундай бўлди? Чунки бошқарувнинг илгари амал қилиб келган усули инқирозга учради. Яъни марказ ҳукмронлиги қийинчилик билан бўлса-да, барҳам топяпти. Унинг ўрнига эса янги Иттифоқ шартномаси ҳали тузилгани йўқ. Шу боис қийинчиликлар юз бериб турибди.

Совет ҳокимиятининг ўтган етмиш уч йили давомида жумҳуриятлар бир-бирига шунчалик бўлинмас занжирлар билан боғланганки, бундан кўз юмиб бўлмайди. Масалан, Ўзбекистонда асосан хом ашё тайёрланади. Пахта, пилла, қоракўл тери, мева-сабзавот Умумиттифоқ фондига кўплаб етказиб берилади. Бошқа жумҳуриятлардан эса асосан тайёр маҳсулотлар оламиз. Саноат корхоналаримизга ҳам асбоб-ускуна ва бошқа нарсаларни Иттифоқдаги турли таъминотчи ташкилотлар етказиб бериши керак. Иттифоқ шартномаси тезроқ имзоланса, таъминот яхшиланиб, секин-аста аҳвол жонланарди. Умумхалқ референдуми эса Совет Иттифоқининг халқаро обрўси сақланиб қолиши, унинг бўлиниб кетмаслиги гаровидир.

Абдуали БЕРДИЕВ, Самарқанд районидаги Энгельс номли жамоа хўжалиги узумчилик бригадаси бошлиғи:

— Очиғини айтганда, хўжалигимиз аъзоларининг кўпчилиги Иттифоқни сақлаб қолиш керак, деган фикрни билдирмоқдалар. Мен ҳам шу фикрдаман. Хўш, нега? Бу саволга мен қуйидагича жавоб қилардим:

Агар адолатли шартнома имзоланса, унинг мажбуриятлари вақтида бажариб турилса, давлатимиз қудрати бундан ҳам ортади. Дастурхонимиз тўкинлашиб, халқимиз фаровон яшайди. Қийинчиликларни биргаликда, ҳамжиҳатликда, тотувлик ва интизом билан енгиш мумкин. Бунинг учун ҳар ким ўз иш жойида садоқат билан тер тўкиши, ютуқларини кўпайтириши лозим.

Масалан, бизнинг бригадани олайлик. Ўтган йили 73 гектарлик токзорнинг ҳар гектаридан 153 центнердан сархил узум ҳосили олдик. Давлатга жами 1110 тонна маҳсулот сотилди. Демак даромадимиз ҳам чакки бўлмади. Бригадамизнинг ҳар бир аъзоси мўлжалдаги 120 сўм ўрнига 300 сўмдан ойлик маош олди.

Лекин инсон фақат узум ёки озиқ-овқат билан тирик эмас. Унга уй-жой ҳам зарур. Хўш уй-жой қуриш учун бинокорлик материалларини қаердан олади? Ўзимизда бўлмаса? Албатта қўшни жумҳуриятлардан. Хўжалигимиз шу мақсадда Красноярск ўлкаси билан шартнома тузди. Биз уларга узум, улар эса бизга ёғоч етказиб берадиган бўлишди. Ўтган йили Красноярскка 100 тонна узум жўнатгандик, шунга яраша қурилиш материали олдик.

Демак, қарс икки қўлдан чиқади, деган нақл тўғри экан. Ҳамкорликда ҳаракат қилинса, кўп жиҳатдан ютамиз. Фақат Федерацияни янгилаш зарур. Ана шунда Ўзбекистон тенг ҳуқуқли мустақил республика сифатида Иттифоқ таркибида қолишига рози бўламан.

Облоқул НОРОВ, Пастдаргом районидаги Козимов номли давлат хўжалиги бригада бошлиғи:

— Ҳақиқатан ҳам бизнинг жумҳуриятимиз билан ҳамкорлик қилган республикалар ютқазишмайди. Шу жумладан бизга ҳам ёмон бўлмайди. Зеро «Сиздан угина, биздан бугина» деганлариден, тенг ҳуқуқли олди-сотдигина можароларга барҳам беради. Ваҳолонки, ҳозир шуни тушуниб етиш керакки, бизнинг маҳсулотларимизсиз уларнинг иши битмайди, бошқа жумҳуриятлардан нарса келтирмасак бизнинг кунимиз ўтмайди. Демак, муаммоларимизни якка ўзимиз ҳал этолмаймиз.

Биргина темир йўлни олайлик. У битмас-туганмас излар билан қанча-қанча жойларни бир-бирига боғлаб туради. Ҳамма жумҳуриятлар бир-бирига ана шу пўлат излардек боғланган Фақат шу темир йўллан шимол томонга йўл олган вагонлар қанчалик тўлиқ бўлса, у қайтаётганда ҳам шундай бус-бутун бўлиши керак. Бунга фақат янги Иттифоқ шартномасигина кафолат бериши мумкин.

Исомиддин РЎЗИЕВ, Яккабоғ районидаги боғдорчиликка ихтисослашган Ленин номли давлат хўжалиги бригада бошлиғи:

— Менимча, Ўзбекистон янгиланган Иттифоққа кирса, унинг суверен ҳуқуқлари камситилмайди. Республикамиз Президенти фармонлари, Олий Совети чиқарган қонун ва қарорлар халқимиз манфаатига хизмат қилаверади, деб ўйлайман. Шу нарса аниқки, республикалар бундан буён марказга ўзлари берган ваколатларидан ташқари бирон бир афзаллик унинг томонидан ўзлаштирилишига йўл қўймайдилар.

Мен оддий боғбон сифатида яна бир муҳим нарсага эътиборни қаратмоқчиман. Боғдорчиликда, маълумки, машина-механизмлар, кичик механизация воситалари етишмайди. Уларни биз Россиядан, Белоруссиядан, ҳатто Чехословакиядан олиб турардик. Энди эса техникага бўлган талабимиз қондирилмаяпти. Шартнома мажбуриятлари бажарилмаётир.

Иттифоқ шартномасида республикамиз манфаатлари ҳисобга олиниб имзоланса, таъминот масаласи яхшиланарди. Мен ва ҳамкасбларим 17 март куни ана шу мақсад учун овоз берамиз.

Халқ таълими ҳақида ўйлар

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби К. ЮСУПОВ Ўзбекистон ССР халқ таълими вазири бўлиб ишлаган вақтида ёзган ушбу мақоласида шу куннинг энг долзарб мавзусини қаламга олган.

Аввало, мен «Совет Ўзбекистони» газетаси жуда ўринли масалани ўртага ташлаётганидан мамнунман. Маълум бир даврдаги ишларни сарҳисоб этиш — келажак учун эзгу туртки беради. Биз кўпинча юқоридан белгиланган тадбирларни орқа-олдимизга қарамай бажаришга, асл шароит ўртага қўядиган муаммоларни четлаб ўтишга ўрганиб қолган эдик. Чуқур ижтимоий турғунликнинг юзага келишида ана шундай иш тутиш услуби ҳам яхшигина роль ўйнагани сир эмас. Биз ишимизни узлуксиз таълим тизимини замон талаби асосида қарор топтириш учун халқ таълими тармоқларидаги шарт-шароитни чуқур ўрганиш ва ана шундан тегишли хулоса чиқариб, муаммоларни ҳал қилишга киришишдан бошладик. Шунга кўра мен ўтган даврдаги ишларнинг фақат янгича нуқталари, янгича ёндашувлар ва амалий ҳаракатлар хусусида қисқача тўхталмоқчиман.

ИШОНЧЛИ МЕЗОН

ЎЗБЕК халқи орасида шундай бир гап юради: фарзанд кўрган ота эларо машҳур бўлган бир донишманднинг олдига бориб: «Менга оллоҳи олам фарзанд ато қилди, энди уни қандай тарбиялаcам экан?», деб маслаҳат сўрабди. Шунда донишманд: «Эй, аттанг, анча кечикибсиз, бола тарбиясини у туғилмасдан илгари бошлаш керак эди» — деган экан. Донишманднинг гапида бола тарбиясини жуда эрта бошлаш кераклиги ҳақидаги пурҳикмат маъно ётади. Шунинг учун ҳам мен гапни халқ таълимининг энг қуйи босқичи — мактабгача тарбиядан бошлай қолай.

Мамлакатимизда болаларни мактабгача тарбия муассасалари билан таъминланиши 57 фоиз бўлган бир пайтда кўп болали оилалар салмоқли бўлган бизнинг республикамизда бу кўрсаткич 37 фоизга яқинни ташкил этади, холос. Қишлоқларимиздаги болаларнинг бу даргоҳларга тортилиши бу кўрсаткичдан ҳам паст даражада. Жойларда 200 мингдан ортиқ оила болаларини ясли-боғчаларга жойлаштириш учун навбат кутиб турибди.

Жумҳуриятимизда эса ҳар йили атиги 50 минг ўринли ясли-боғча қурилмоқда. Шундай экан, мактабгача тарбия муассасаларида таълим-тарбия самарасини ошириш ҳақида қандай гап бўлиши мумкин?! Шунинг учун вазирлик бу долзарб муаммони ҳал қилиш устида изчиллик билан иш бошлади: мактабгача тарбия муассасалари қурилишини ҳар томонлама авж олдиришга интилиш билан бирга оилавий болалар боғчаларини ташкил этишнинг ташаббускори бўлиб чиқди. Бир йил мобайнида мингга яқин ана шундай боғчалар ташкил этилди. Бу ташаббусни жумҳуриятимизда кўплаб халқ таълими тармоқлари ташкилотчилари, ота-оналар қўллаб-қувватламоқдалар. Натижада оилавий боғчалар сони кундан-кунга ошмоқда. Ўтган йили 50 мингдан ошиқ ўринли ясли-боғча қурилганини ҳисобга оладиган бўлсак, республикамиздаги оилаларнинг болаларини ясли-боғчага тортиш илгариги йилларга қараганда анча кўпайди.

Мактабгача тарбия муассасалари моддий базасини мустаҳкамлаш билан бир қаторда болалар боғчаларида таълим-тарбиянинг умумийлик қолипидан чиқиб, миллий-маданий руҳдаги дастурлар яратиш устида иш олиб борилмоқда. Ясли-боғчалардаги таълим-тарбия жараёнини юқори савияга кўтариш учун илғор мактабгача тарбия муассасалари асосида шаҳар ва ноҳияларда Намуна марказлари ташкил этмоқдамиз.

Бугунги кунда жумҳуриятимиздаги мактабгача тарбия муассасаларида 90 мингга яқин тарбиячи ишламоқда. Уларнинг моддий таъминланишини яхшилаш мақсадида ойлик иш ҳақлари оширилди. Бунда биз жамоаларнинг раҳбарларига, жамоанинг ўзига имтиёзлар бердик. Токи, яхши ишлаётганларни ўзлари рағбатлантирсинлар. Тарбиячиларга маънавий озиқ берадиган, савияларини юксалтирадиган ўзбек тилидаги адабиётлар, ойнома йўқлиги ачинарли ҳолдир. Шунга кўра биз яқин келажакда мактабгача тарбияга доир ойнома чиқаришга ҳаракат қиляпмиз.

Узлуксиз таълим тизимида бошланғич тарбия жуда катта аҳамиятга эга. Бу даврда бола ўзлаштириб олган кўникма, малака, билим бир умрга асқотади. Шунинг учун ҳам бошланғич синфдаги таълим-тарбия жараёнини яхшилашга йил мобайнида алоҳида эътибор бердик. Бу борада бизга республика Президентининг бошланғич синф ўқитувчиларининг дарс соатлари ҳажмини биринчи сентябрдан 14 соат миқдорида белгилаб, ойлик иш ҳақини ошириш ҳақидаги Фармони қўл келди. Бу нарса бошланғич синф ўқитувчиларини ортиқча соатлардан қутқариб, уларни ташаббус билан ишлашларига имконият яратилди. Ўтган йили 4 ой мобайнида 75 мингга яқин бошланғич синф ўқитувчисининг ойлик маошини ошириш учун 21 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди.

БОШЛАНҒИЧ таълимни ривожлантириш, уни юксак савияга кўтариш учун вазирлик изланиш йўлидан борди. Маълумки, республикамизда бошланғич таълим усталарининг ўзига хос тажриба мактаби яратилган. Андижонлик СССР халқ ўқитувчиси Мамажон Абдурасуловнинг номини ким билмайди, дейсиз. Унинг издошлари ўзига хос тажриба асосида ишлаётган ўқитувчиларимиз қанча? Гап фақат уларни излаб топишда, уларнинг тажрибаларини умумжумҳурият педагогикаси мулкига айлантиришда. Бу борада дастлаб вазирликнинг ўзи ташаббус билан чиқиб, биринчи марта уч нафар бошланғич таълим устаси — наманганлик С. Турғунов, тошкентлик М. Расулова ва Л. Михайлованинг иш тажрибаси бевосита коллегия йиғилишининг ўзида ҳар томонлама ўрганиб чиқилди, уларнинг бой тажрибаларини тарғибот қилишга йўлланма берилди. Бу йўлни биз бундан кейин ҳам собитқадамлик билан давом эттирамиз.

Бошланғич таълимни олти ёшдан бошлаш муаммосини ҳар тарафлама ўрганиб, энг қулай, илмий, ижтимоий, педагогик жиҳатдан тўғри йўлни танладик: ахир, бу борада зўрма-зўракилик билан иш тутиб бўлмайди. 70 фоиздан ошиқ мактабда ўқиш икки сменада давом этиб турган бир пайтда олти ёшлиларни қандай қилиб ялпи мактабга тортиш мумкин?! Агар олти ёшли бола учун барча шароитлар яратилган бинода таълим-тарбия бермас эканмиз, уларнинг соғлиғига путур етказиб қўйишимиз турган гап, бунинг асорати жуда ёмон бўлади. Шунинг учун биз олти ёшлиларни зарур шароит яратиш мумкин бўлган жойда қабул қилиб, бундай шароит бўлмаган жойларда болаларни мактабларга етти ёшдан қабул қилиш лозим, деб топдик, ва шу йўналишда иш олиб боряпмиз.

Вазирлигимизнинг ўз олдига қўйган энг муҳим, долзарб вазифаларидан бири — ўрта маълумот сифатини ҳар жиҳатдан яхшилаб, уни жаҳондаги энг тараққий этган мамлакатлардаги маълумот даражасига кўтаришга интилишдан иборат. Сиртдан қараганда бу жуда баландпарвоз гапга ўхшайди, лекин шу йўлда дадил ҳаракат қилмай туриб, республикамиз тараққиётига йўл оча олмаймиз. Ахир, ижтимоий тараққиёт биз етиштираётган мутахассисларнинг кўникмаси, малакаси, билимига бевосита боғлиқ-ку! Бозор иқтисодиётига ўтилиши ўз-ўзидан билимга бўлган интилишни юзага келтиради. Агар у ана шу интилишга мактабдан қаноатланарли жавоб топмаса, мактабда ўрганиладиган билимни келгуси ҳаёти учун зарур, деб билмаса, бундай мактаб кераксиз, нари борса енгил-елпи савод чиқаришга хизмат қиладиган даргоҳга айланиб қолади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда вазирлик олдида ҳамма учун зарур бўлган ижтимоий талабни қондирадиган халқ таълимини яратишдек оғир вазифа турибди. Бу мураккаб, масъулиятли вазифани ҳал қилишда биз қуйидаги йўналишларда иш олиб боряпмиз.

Биринчи. Таълим жараёни билан тарбия жараёнининг бир бутунлигини таъминламасдан туриб, эскириб, қотиб қолган дарс усулларидан воз кечмай, янгича мафкурага кенг йўл очмай ўрта маълумот сифатини яхшилаб бўлмайди. Шу ўринда машҳур педагог-олим Ш. Амонашвилининг 1989 йили халқ таълими ходимларининг Бутуниттифоқ съездида айтган гапи ёдимга келади: «Менга ҳаётимиз осмонини методик қора булут қоплаб олгандек туюлади, ана шу булут тепасидагина юлдузли осмон — классика жойлашган бўлиб, гуманистик тафаккурнинг буюк маданияти ўша ердан нур сочаётир. Ҳозир ҳамма қора булутга қараб: бизга программалар, дарсликлар, тавсиялар беринг, дейишяпти. Ваҳоланки, ўқитувчи юлдузли осмондан баҳраманд бўлиши керак. Шунда у, албатта, бошқачароқ, ҳозиргидан яхшироқ бўлади».

Ҳа, бизнинг аскар ўқитувчиларимиз тайёр тавсиялар, методик йўлланмаларга таяниб иш кўрадиган лоқайд ижрочиларга айланиб қолишган. Ижодкор бўлмаган, лоақал бошқаларнинг тажрибаларини такрорлаб бўлса ҳам ўқувчиларга таълим-тарбия беришга интилмаган ўқитувчи болаларнинг бахтига зоминдир. Шунинг учун биз ижодкор ўқитувчиларимизни рағбатлантириб, мактабда ижодий муҳитга кенг йўл очяпмиз.

Ўқитувчи қўйган баҳони педагогика институтига ўтаётган ўқувчиларнинг кириш имтиҳони варағига ўзгаришсиз ўтказиш, яъни ўқитувчининг кафолатига ишонч билдириш, табақалаштирилган ойлик иш ҳақи тўлаш борасидаги тажрибаларимиз ана шундай ижодкор ўқитувчиларни рағбатлантиришга қаратилган тадбирлардир.

Иккинчи. Ўқитувчи тайёрлашга бўлган эътиборни кучайтирмай туриб, таълим-тарбия жараёнини юксак савияга кўтариб бўлмайди. Шунинг учун ўтган йили педагогика олийгоҳларига мактабни медаль билан битирган, олимпиадаларда ғолибликни эгаллаган ўқувчиларни имтиҳонсиз қабул қилишни йўлга қўйдик. Бу йил эса ана шундай ёшларни педагогика олий ўқув юртларига қабул қилишни янада кенгайтирамиз. Педагогика ўқув юртларида мутахассислар тайёрлашга бўлган талабни янада оширамиз.

Президентимизнинг аспирантларни, олий ўқув юртлари, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари талабаларининг стипендияларини ошириш ҳақида 1990 йил 4 сентябрда чиқарган Фармони таълим-тарбия жараёнида ижобий аҳамият касб этди.

Учинчи. Ўқитувчи ижодий фойдаланиши мумкин бўлган ўзбек тилидаги турли қўлланмалар, дарсликлар, адабиётлар камлигидан кўз юмиб бўлмайди. Дарсликлар, қўлланмаларнинг аксари рус тилидан таржима қилинган. Бу адабиётларда миллий маданиятнинг ўзига хослиги, ўзбек халқининг фан ва маданиятини юксалтиришга ҳисса қўшган алломаларнинг фаолияти, табиий шароит, тарих, ўзбек тилининг жозибаси ўз аксини топмаслиги табиий ҳол. Шуни ҳисобга олиб 32 фан бўйича оригинал дарсликларга танлов эълон қилдик. Шуниси қувонарлики, танловга дастлабки қўлёзмалар туша бошлади. 27 та қўлёзма устида иш олиб бориляпти.

Тўртинчи. Таълим жараёнида компьютерлардан фойдаланиш ўрта маълумот сифатини яхшиланишида муҳим роль ўйнайди. Вазирлигимиз халқ таълимини компьютерлаштириш борасида дадиллик билан ҳаракат қилиб, жумҳуриятимиздаги мактабларга 4 мингга яқин комплект ҳисоблаш техникасини ўрнатди ва бу борада Иттифоқда пешқадам ўринлардан бирига кўтарилди. Комплект ҳисоблаш техникаси воситаларини ўрнатиш билан бирга улардан таълим жараёнида тезкорлик билан фойдаланишга ҳаракат қилиниб, 8 та фан бўйича компьютерлашган таълимга доир дастур ишлаб чиқилди. Вазирлик ЭҲМдан таълим жараёнида фойдаланишга ўргатадиган жумҳурият ўқув автоматика марказини ташкил қилди. Ҳозир информатика ва ҳисоблаш техникаси бўйича жумҳурият мактаб-интернати тузилмоқда. Биз компьютерлаштириш борасидаги ишларни янада жадаллаштириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўлидан борамиз.

Бешинчи. Жумҳуриятимиз халқ таълимида шу нарса алоҳида хусусиятга эгаки, мактабларимизнинг 79 фоиздан зиёди қишлоқ мактабларидир. Бу хусусиятни ҳисобга олмай иш тутиш мумкин эмас. Ўтмишда шаҳарлар учун мўлжалланган дастурлар, тавсиялар ҳеч ўзгаришсиз қишлоқ мактабларига жўнатилар, оқибатда қишлоқ мактабларида бу дастурларни бажариш амри маҳол бўлиб қолар эди. Шунинг учун биз «Қишлоқ мактаби» дастурини амалга оширишга киришдик. Унда биз аҳоли зич яшайдиган қишлоқлардан тортиб, узоқ қир-адир, чўл, тоғ-яйловларидаги бир синфда ҳар хил ёшдаги ўқувчилар ўқийдиган мактабларнинг шарт-шароитини ҳисобга олишга эътибор беряпмиз. Жумҳуриятимиздаги кўплаб ташкилотлар, кооперативлар, айрим шахслар томонидан маблағ ўтказиладиган қишлоқ мактаби фондини ташкил этдик.

Олтинчи. Жаҳон педагогикасида истеъдодли ўқувчиларга алоҳида эътибор берилаётган, уларнинг қобилиятини ривожлантириш учун алоҳида шарт-шароит яратилаётган бир пайтда биз ўқувчиларни ўртамиёналикда тарбиялашга ҳаракат қилдик. Масалан, бир синфда турлича савияга, қобилиятга эга бўлган турли болалар ўқийдилар. Шу пайтгача қўлланиб келинаётган дастурларимиз эса ўртача меъёрни ҳисобга олган ҳолда тузилган. Натижада ўртача ўқувчи учун мўлжалланган материал қобилиятли бола учун зерикарли бўлиб қолади ва таълимдан қониқмайди. Бу ўрта миёналикни келтириб чиқаради.

Шунинг учун биз иқтидорли болалар билан алоҳида машғулот олиб борадиган синфхоналар ташкил қилишга эътибор бердик. Бугун Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, педагогика ва бошқа институтлар билан ҳамкорликда ихтисослаштирилган билим масканлари ташкил қилиш жадал бормоқда. Ҳозирги кунда алоҳида фанларни чуқур ўзлаштиришга ёрдам берадиган беш мингдан зиёд синф бор. Тошкент, Урганч, Хива, Қўқон ва бошқа шаҳар, ноҳияларда қобилиятли болалар учун гимназия, имтиёзли олий билим юрти — лицей очилди. Қобилиятли болаларни излаш, уларга таълим-тарбия бериш масаласига вазирлик жиддий эътибор билан қарамоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси, Ўзбекистон ССР ҳукумати жумҳуриятдаги иқтидорли болалар учун алоҳида мактаб-интернатлар ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилди. Биз шу қарорга асосан ўтган йилнинг ўзидаёқ Нукус, Наманган, Термиз, Фарғона, Қўқон, Урганч, Жиззах шаҳарларида мактаб-интернатлар ташкил этдик. Иқтидорли болалар учун ўқув дастурлари, қўлланмалар яратиш устида ишлар олиб борилмоқда.

Еттинчи. Жумҳуриятимизда ҳунар-техника таълими йилдан-йилга ривож топиб, ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини мустаҳкамлаб боряпти. Ҳунар-техника таълимини ўтмишдаги салбий муносабатлардан қутқариш, уни ҳар томонлама ривожлантириш борасида қатор тадбирлар амалга ошириляпти. Жумҳуриятимиздаги 456 та кундузги ҳунар-техника билим юртида 240 минг ўқувчи 230 хил ишчи касби бўйича ҳунар эгалламоқда.

ИШЧИ-МУТАХАССИСЛАР орасида маҳаллий аҳоли вакиллари салмоғини ошириш борасида ҳам аниқ тадбирлар белгилаганмиз. Касб-ҳунар ўрганаётган ёшларнинг 90 фоизга яқинини маҳаллий ёшлар ташкил қилади. Бугунги кунда ҳунар-техника билим юртларининг кечки, сиртқи бўлимлари 80—90 мингга яқин кишига таълим беришга қодир. Шунингдек, 176 та ҳунар-техника билим юртида касб-ҳунар ўрганиш билан бир қаторда маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Уларда ўтган йили 6 миллион сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ишлаб чиқариш жараёнида ёшларнинг касб-ҳунар эгаллашларига, маҳоратларини оширишга қаратилган қўшимча тадбирлар белгиланди.

Ўқув юртлари фаолиятига хўжалик ҳисобида ишлашни жорий қилиш ўзига хос самара бермоқда. Масалан, Тошкентдаги 22-ўрта ҳунар-техника билим юрти қошида «Золотинка» фирма-дўкони ишлаяпти.

Жумҳуриятимиз учун қишлоқ хўжалик йўналиши бўйича касб-ҳунар ўргатадиган ҳунар-техника билим юртлари жуда зарур. Бугунги кунда 180 та ана шундай ҳунар-техника билим юрти мавжуд. Бу билим юртларида ёшларга замонавий техникани бошқариш, янги технологияни ўзлаштириш, ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил қилиш муаммолари кунт билан ўргатилмоқда.

Саккизинчи. Вазирлик жаҳондаги халқ таълими ривожланган мамлакатлар билан кенг алоқани йўлга қўйишни, ўқувчи-ёшларимизни чет элларга ўқишга жўнатишни, тажриба алмашишни муҳим вазифа, деб ҳисоблайди. Шу мақсадда вазирлик маҳкамасида чет эллар билан алоқа бўлими ташкил этилди. Европа, Осиё мамлакатлари билан халқ таълимини ривожлантириш учун алоқани кенг йўлга қўйиш устида иш олиб боряпмиз. Шунингдек, биз Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон билан халқ таълими борасида ҳамкорлик қилиш юзасидан шартнома туздик. Кадрлар тайёрлаш, дарсликлар, қўлланмалар, кўргазмали қуроллар, тажрибалар алмашиш бўйича изчил алоқани йўлга қўйдик. Жумҳуриятимизда ташкил этилган миллий-маданий марказлар билан ҳам ҳамкорлик қиляпмиз.

Миллий мактаб муаммоси бугунги кунда энг долзарб муаммолардан бўлиб турибди. Вазирлик буни ижобий ҳал қилиш устида ҳам фаол иш олиб бормоқда. Шу ўринда жумҳурият халқ таълими олдида педагогика фани катта қарздор бўлиб қолаётганини ҳам айтиб ўтмоқчиман. Чунки педагогика фанимиз кенг ўқитувчилар оммасига янги илмий назариялар, самарали йўлланмалар бера олгани йўқ. Жумҳуриятимизда педагогика фанини ривожлантириш мақсадида Қори-Ниёзий номли жумҳурият Педагогика фанлари тадқиқоти институти ижтимоий буюртма асосида ишлашга ўтказилди. Педагогика олийгоҳларида педагогика, психология фанларини ривожлантириш борасида ҳам қўшимча тадбирлар белгиланди.

ЎзССР Президенти И. А. Каримовнинг «Барча турдаги мактабларнинг ўқитувчиларига, болалар уйларининг тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар ва юқори синф ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш борасидаги қўшимча тадбирлар ҳақида»ги Фармони ўқитувчиларимизнинг ижтимоий аҳволини яхшилашга муҳим ҳисса бўлди. Бу Фармонга кўра 240 минг юқори синф ўқитувчисининг ойлик иш ҳақи ошди. Бунга кетадиган бир йиллик харажат 57 миллион сўмдан ошиқ маблағни ташкил этади. Қўшимча имтиёзлар 400 минг халқ таълими ходимига берилади. Умуман, жумҳуриятимизда ўқитувчиларнинг ойлик иш ҳақини ошириш ҳамда қўшимча имтиёзлар беришга бир йилда 130 миллион сўмга яқин маблағ сарфланади.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ўқитувчиларга ғамхўрлик қилиши фақат моддий жиҳатдангина бўлиб қолмай, балки маънавий рағбатлантиришга ҳам қаратилгандир. Жумҳурият ўқитувчиларининг конференцияси олдидан 350 нафардан ошиқ ўқитувчига, халқ таълими ходимларига юксак унвонлар, фахрий ёрлиқлар берилиши ана шу ғамхўрликнинг намунасидир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг «Келажагимиз — мактабда» дея бутун жумҳурият жамоатчилигига қилган Мурожаатномаси халқ таълими муаммоларини ҳал этишда сафарбарлик ишларини авж олдириб юборди. Бунга жавобан кўплаб давлат корхоналари, жамоатчилик ташкилотлари мактабга яқиндан ёрдам бера бошладилар.

Ўтган йилнинг 16—17 ноябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган жумҳурият ўқитувчиларининг конференцияси биз учун, айниқса, ўзига хос мактаб бўлди. Анжуман қатнашчилари Ўзбекистонда халқ таълими муаммоларини дадиллик билан ўртага ташладилар, уларни бартараф этиш йўлларини белгиладилар: мактабнинг келажак йўли — янгича ишлашга, ижодий муҳитга, халқчиликка, ташаббускорликка ишончли мезон бўла оладиган йўл эканлиги алоҳида таъкидланди.

Хуллас, юқорида қайд этилган ишлар жумҳуриятда халқ таълимини ривожлантириш борасида мўлжалланаётган режаларимизнинг дебочаси, холос.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Комитетида

13 март куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг мудофаа, давлат хавфсизлиги ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари комитетининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисда Туркистон Ҳарбий округи штабининг вакиллари, республика ва вилоят ҳарбий комиссарлари, вилоят чақирув комиссияларининг раислари, Ўзбекистон ССР Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари, Туркистон Ҳарбий округи ҳарбий прокуратураси ва республика Прокуратураси, Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети, республика ДОСААФ марказий комитетининг масъул ходимлари, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари иштирок этдилар.

Мажлисни ана шу комитет раиси В. Р. Ниёзматов олиб борди.

«1990 йилда жумҳурият ёшларини Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флоти сафларига чақириш якунлари ҳамда 1991 йилги вазифалар тўғрисида» Туркистон Ҳарбий округи штабининг ахбороти муҳокама қилинди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Комитет Андижон, Фарғона, Наманган, Қашқадарё, Хоразм ва Тошкент вилоятлари чақирув комиссиялари қониқарсиз ишлаганлигини таъкидлади.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигига армияга чақирилувчи йигитларни тиббий текширувдан ўтказишни, уларнинг саломатлиги тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилинишини назорат қилишни кучайтириш, баҳорги чақирув бошлангунга қадар доимий ишлайдиган вилоят тиббий комиссияларини тузиш масаласини ҳал этиш тавсия қилинди.

Комитет Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлигига, жойлардаги бошқармалар ва бўлимларга фуқароларни ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирувни ўтказишда ва ҳарбий мажбуриятдан бош тортаётган кишиларни қидириб топишда ҳарбий комиссариатларга амалий ёрдам беришни тавсия этди.

Ўзбекистон ССР Прокуратураси «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонунининг ижро этилишини назорат қилишни таъминлаши зарурлиги айтиб ўтилди.

Вилоят, шаҳар ва район чақирув комиссияларига белгиланган топшириқлар бажарилмаганлиги сабабларини пухта таҳлил этиб, 1990 йилдаги чақирув якунларини ижроия комитетларга кўриб чиқиш учун тақдим этиш тавсия қилинди.

Мажлисда вилоят, шаҳар ва район чақирув комиссиялари прокуратура ва адлия идоралари билан биргаликда «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонунига риоя этиш зарурлиги ҳақида ёшлар орасида тушунтириш ишларини фаол олиб боришлари, чақирувдан бош тортган кишиларга нисбатан жиноий иш қўзғашни рад этишларнинг асослилигини текширишлари зарурлиги таъкидланди.

Комитет мажлисида Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси М. И. Иброҳимов, республика Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«ИЖАРА ЁРДАМГА МУҲТОЖ»


Рўзномамизнинг ўтган йил 11 декабрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида муаммоли мақола эълон қилинган эди. Мақола юзасидан Бухоро қоракўл вилоят давлат-ширкат ишлаб чиқариш бирлашмасидан расмий жавоб олинди:

— Мақола бирлашмага қарашли давлат хўжаликларида кенг муҳокама қилинди. Унда кўтарилган муаммолар тўғри, деб тан олинди. Шуни назарда тутиб бирлашма раҳбарияти 1991 йилдан бошлаб қоракўл териларни ҳар бир ижара жамоаси бўйича алоҳида навлаш масаласини хўжалик раҳбарлари билан келишиб олди. Энди қоракўл териларни заводга топшириш отарлар бўйича жорий этилади. Давлат хўжаликларининг навловчилари махсус курсларда қайта тайёрланмоқда.

Кейинги йилларда экологик ҳолат ёмонлашгани, айниқса, Орол фожиаси таъсирида ёғаётган шўр ёмғирлар чўлдаги гиёҳларга катта зиён келтирди. Ҳосилдорлик икки-икки ярим маротаба пасайиб кетди. Шу билан бир қаторда 1985 йилдан сўнг давлат бюджетидан яйловларни яхшилаш учун ажратмалар берилмаганлиги сабабли жумҳурият яйлов мелиоратив тресті ўз ишини тўхтатиб қўйган эди.

Жумҳурият ҳукумати Орол муносабати билан Қизилқум яйловларини яхшилашда анчагина маблағ ажратди. Энди мазкур трест яйловларни тубдан яхшилаш бўйича йилига 1,5-2 миллион сўм миқдорида иш бажаради. Бундан ташқари бирлашма қошидаги «Озуқа» кооперативи ҳам шу йўналишда 2—3 миллион сўмлик ҳажмда иш бажаради.

Ижтимоий масалалар, хусусан, ичимлик сув муаммоси Ленин номли совхозда ҳақиқатан ҳам ўткир бўлиб турибди. Давлат хўжалиги маркази жойлашган ернинг гидрогеологик шароити оғир. Шунинг учун дарахтлар ва ўсимликлар яхши ўсмайди. Кейинги йилларда давлат бюджети маблағлари қисқаргани, хўжалик молиявий аҳволининг оғирлиги туфайли ижтимоий объектлар қурилмаяпти. Шунга қарамасдан бу йил мазкур совхозда бир мактаб ва тўртта уй қурилиши режалаштирилган.



Суратда: Янгийўл мебель ишлаб чиқариш бирлашмасининг серғайрат дурадгори Маъмур Маҳмудов. Йигирма беш йил мобайнида у катта тажриба орттирди. М. Маҳмудов меҳнат қилаётган участкада бундай илғорлар сафи кенгайиб боряпти. Шунинг учун ҳам бу ерда ҳар сменада 230—240 донадан болалар каравоти тайёрлаб чиқарилмоқда.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

ДАСТЛАБКИ НИҲОЛЛАР

Яшил либос — ўлкамизга мос

Баҳор боғбону соҳибкорларни далага чорламоқда. Зеро, ишбилармон кишилар баҳор арафасидаёқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазишга киришишганди. Одатдагидек, бу йил ҳам жумҳуриятимизда мевали ва манзарали дарахтлар экиш, токзорлар ва ўрикзорлар барпо этиш икки ойлиги бўлади. Бу вақт ичида миллионлаб туп кўчат экиш кўзда тутилган. Таҳририятимизга жойлардан икки ойлик бошлангани ҳақида хуш-хабарлар келмоқда.

САМАРҚАНД вилояти. Ўтган йили вилоятда режадаги 11,9 миллион дона ўрнига 12,4 миллион туп кўчат ўтқазилган эди. Бу йил эса кўчат етиштирувчи хўжаликларда 1,2 миллион дона мевали дарахт кўчатлари, 4,2 миллион туп ток, 4,3 миллион туп манзарали дарахт, 10 миллион туп тут кўчатлари тайёрланди. Икки ойликда 12 миллион туп кўчат экилади.

Вилоят бўйича бу йил икки минг гектар майдонда мевали боғ яратилади. 600 гектарлик боғда эса таъмирлаш ишлари олиб борилади. Боғларнинг хатосига 220 минг туп кўчат экилиб, тўлиқ гектарлар ҳосил қилинади. 1500 гектар майдонда эса токзор барпо этилади.

Самарқанд районидаги Энгельс номли колхознинг Абдуали Бердиев бошлиқ бригадасида ток кўчатлари экиш бошланди. Улар ўтган йили мавжуд 73 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 153 центнердан ҳосил олишганди. Жами 1110 тонна узум етиштирилди. Бу йил эса мавжуд токзорларни кенгайтиришга қарор қилинди. Шу мақсадда яна икки гектар токзор бунёд этилади. Бунинг учун уч минг туп кўчат тайёр.

Пастдарғом районидаги Козимов номли совхознинг Облоқул Норов бошлиқ бригадаси далаларида ҳам кўчат экиш қизғин. Улар айни пайтда эски боғларни таъмирлашга киришдилар, дарахтларга шакл бериш ва токзорлардаги бошқа ишларни авж олдиришди.

ҚАШҚАДАРЁ вилояти. Яккабоғ районидаги Ленин номли давлат хўжалиги боғдорчиликка ихтисослашган Исомиддин Рўзиев етакчилигидаги жамоа ҳозир уч гектарлик боғ ва токзорга меҳр билан ишлов бермоқда.

Усмон Юсупов районида кейинги йилларда 20 гектарлик боғ яратилди. Ўтган йил кузида эса яна 20 гектарлик майдон текислаб қўйилганди. Энди шу ерларда 6 минг туп мевали дарахт кўчатлари ўтқазилади.

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА кўчат экиш икки ойлиги яхши бошланди. Аммо қилинадиган асосий ишлар ҳали олдинда. Бу эзгу иш қанчалик тез ва сифатли бажарилса, жумҳуриятимизни боғ-роғларга буркаб, ям-яшил бўстонга айлантириш шунчалар самарали бўлади.

ҚАЙТА ҚУРИШ ВА ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ

II. «ПАХТА ИШИ» АТАЛГАН РИЁ ВА УНИНГ САБОҚЛАРИ

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Кабинети Раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг «Пахта иши» бўйича комиссияси раиси И. Ҳ. ЖЎРАБЕКОВ билан суҳбат.



Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Кабинети Раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг «Пахта иши» бўйича комиссияси раиси Исмоил Ҳакимович Жўрабеков (ўнгда) ва комиссия раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий суди раиси вазифасини бажарувчи Абдусамад Абдуҳамидович Полвонзода комиссиянинг навбатдаги ишлари юзасидан суҳбатлашмоқдалар.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

— Исмоил Ҳакимович, Сиз бошқарган «Пахта иши» комиссиясининг ишлари диққатга сазовор, албатта. Бироқ айтингчи, Олий суд ҳайъати катта доирадаги оқлаш хулосаларида асосан қандай ҳуқуқ нормаларига ва адолат принципларига суяниб иш тутди? Оқлов ҳукмларининг исбот талаб қилмайдиган аксиомаси сифатида қандай факторни тилга олиш мумкин?

— Оқловнинг инкор этиб бўлмайдиган фактори шундаки, давлатнинг бирон сўмини ғайирлик мақсадида чўнтагига солмаган, ўз манфаатига ўзлаштирмаган кишиларгина батамом оқландилар. Бу оқланишнинг биринчи ва энг асосий шарти бўлди. Социалистик қонунчилик ҳам шуни тақозо этади. Табиийки, бундай кишиларнинг айримлари «товарсиз операция» қатнашчилари бўлишган. Дастлабки тергов эса уларга қўшиб ёзиш жараёнида «занжирбанд халқа»да айланган пул миқдорини «талон-торож» қилинган маблағ сифатида қайд этаверган. Айтайлик, «Товарсиз операция»да колхоз—завод-тўқимачилик корхонаси — савдо идораси—давлат банки ўртасида айланган пул бу «халқалар»нинг ҳар бирида «ўзбек халқи ўмарган миллиард-миллиард сўм»ларнинг умумий йиғиндисига тиркаб қўйилаверган. Пахта ишларининг бирбиридан ажратиб ташланиши биринчи навбатда мана шундай муғомбирликни ҳам мақсад қилиб қўйган. Иккинчидан, бу усул тергов маҳкамаси учун қонундан истаганча чекиниш имкониятларини ҳам яратган.

— Айрим мисоллар келтиролмайсизми?

— Мисоллар истаганча. Чунончи, Сурхондарё области бўйича юзлаб кишилар жиноий жавобгарликка тортилиб, суд қилингани ҳолда, «қўшиб ёзиш»нинг айрим ташкилотчилари терговдаги найранглар оқибатида судга ҳам чақирилмаган...

— Исмоил Ҳакимович, бизни маъзур тутасиз, пахта тайёрлаш саноатида юз берган «қўшиб ёзиш» каттагина салмоққа эга бўлганини ва бу соҳага аёддий ўғрилар ни қурганлиги фактларини сиз ҳам инкор этмасангиз керак...

— Бир гуруҳ нафс бандаларини ҳеч ким оқлай олмайди, биз бу жиноий ишларни ҳаспўслаш ниятидан ҳам йироқмиз. Комиссия олдида бундай масала тургани ҳам йўқ. Ўғрилиги ва бошқа жиноий хатти-ҳаракатлари аниқ исботланган кишилар комиссия мурувватидан умидвор бўлишмасин. «Қўшиб ёзиш»ни бойлик орттириш манбаига айлантирган бундай кишиларга қандай шафқат бўлиши мумкин. Комиссия бундай ишлардан бир қанчасини ўз кучида қолдирди. Чунончи, ўз фойдасига 270 минг сўм пулни ўзлаштирган Шаҳрисабз пахта қабул қилиш пунктининг собиқ классификатори Ғ. Ўтамуродовнинг авф этиш юзасидан берган аризаси комиссия томонидан рад этилди. Шунингдек, 25 минг сўм давлат пулини ўзлаштирган собиқ колхоз раиси Ҳ. Норқобиловнинг аризаси ҳам қаноатлантирилмади. Бундай мисоллар талайгина. Комиссия у ёки бу шахсни эмас, адолатни ҳимоя қилишни назарда тутади.

Айбдорлар ўз жазосини олган ва олиши керак! Бироқ 1986 йилда Балиқчи районидаги Куйбишев номли колхознинг пахта топширувчиси А. Абзалов ишини кўриб чиққан Андижон область судининг ҳукмини адолатли деб биладими? Ўн бир йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган А. Абзалов иши Олий суд томонидан қайта ўрганиб чиқилганда у қўшиб ёзишда иккинчи даражали шахс бўлганлиги ва бирон сўм пулни ўзлаштирмаганлиги аён бўлди. Ўн бир фарзандининг отаси тақдирига эса енгил-елпи муносабатда бўлинганлигига шубҳа йўқ. Олий суд қўшиб ёзишда фақат юқорининг буйруғига итоат қилган ва ўз манфаатини кўзламаган А. Абзаловни қамоқдан озод қилди.

«Дўрмен» пахта қабул қилиш пунктининг мудири Азиз Жумаев «қўшиб ёзишга» кўнмаганлиги учун Шофиркон район партия қўмитасининг биринчи котиби Маҳсудовнинг ғазабига дучор бўлган. Котибнинг фармойишига биноан район ички ишлар бўлимининг бошлиғи пункт мудирини уч кун авахтада тутиб турган. Шунга қарамай, вилоят суди А. Жумаевни 13 йил озодликдан маҳрум этган. Жумҳурият олий суди бу ишни ҳам қайта кўриб чиқди ва А. Жумаевни қамоқдан озод этди. Комиссия ишчи группалари минглаб кишиларнинг тақдирини қонун ва адолат тарозисига солиб кўрар экан, инсон ҳуқуқларини камситмаслик билан бир қаторда у содир этган жиноят учун қонуний жавобгарликдан соқит этмасликни асосий шартлардан бири деб билади ва шунга амал қилмоқда.

— Комиссия қамоқ муддатини аллақачон ўтаган, бироқ ижтимоий адолатни тиклаш юзасидан мурожаат қилганлар тақдирига қандай муносабатда бўлмоқда?

— Комиссия ишида муддат асосий роль ўйнамайди. Шунга кўра, комиссия на фақат барча тириклар, балки «пахта иши»да айбланиб, ноҳақ тухматга учраган марҳумлар ишини ҳам синчиклаб ўрганди. Ана шу ҳаракат туфайли ҳозирга қадар турли вазиятда — терговда, қамоқда ва бошқа ҳолатларда вафот этганлар ишини кўриб чиқиб, уларнинг аксариятини оқлади. Уларнинг бир қисми терговдаги бедодлик қурбони бўлишган. Айримлари ўз жонига қасд қилишгача бориб етган. Табиийки, булар пахта ишидаги адолатсизлик, терговдаги ноҳақлик туфайли юз берган. Бундай кунни ҳеч кимнинг бошига солмасин. Биз уларнинг покиза номларини тиклашимиз керак. Бу бегуноҳ марҳумлар олдидаги бизнинг бурчимиздир. Марҳумлар дунёдан ўтиб кетишди, бироқ улар ҳақидаги ҳақиқатни айтиш, адолатни тиклаш тириклар учун керак. Хўжайли районидаги Калинин номли колхоз раиси Сарибой Нурмедов, Хива районидаги Дзержинский номли колхоз раиси Раҳим Ёқубов, Қоракўл районидаги Карл Маркс номли колхознинг раиси Икром Очилов, Ильич районидаги Алексеевский номли совхоз директори Жуман Тўрақулов ва бошқа ўнлаб кишилар вафотидан кейин оқландилар. Афсуски, оқлов кунига етиб келиш уларга насиб этмади...

Жиззах пахта заводининг директори Раҳматулла Бўстонов ва товаршунос Алим Қосимовлар тақдирига муносабатда ҳам тергов томонидан ноҳақлик қилинди. Завод фаолияти қайта-қайта элакдан ўтказилганда ҳам камомад ва талон-торож фактлари тасдиқланмади. «Пахта чиқитларини тақсимлашдаги суиистеъмол учун» деган сохта айбнома билан уларнинг ҳар бири 3 йилдан озодликдан маҳрум этилгандилар. Бизнинг комиссиямиз тузилган кунда улар жазо муддатини аллақачон ўтаб қайтган, бироқ бўҳтон ва маломат уларни эзиб келарди. Пахта чиқитларини вилоят хўжаликларига фонд бўйича тарқатиш юзасидан вилоят ижроия комитетининг махсус қарори бўлишига қарамай тергов органлари у билан атайлаб ҳисоблашишни лозим топишмаган. Комиссия тергов туҳматига учраган Р. Бўстонов ва А. Қосимовларнинг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатлари бўлмаганлиги учун батамом оқлади ҳамда уларнинг ўз вазифаларига қайтиш ёхуд шунга тенг даражадаги иш билан таъминланиш ҳуқуқларини тиклади.

Олий суд томонидан у ёки бу бегуноҳ шахснинг оқланиши билан бир қаторда ўз вазифасига тиклаш ҳақидаги бундай қарорлар оз эмас. Лекин жойлардан олинаётган маълумотларга қараганда, уларнинг айримлари ҳаётда ўз ўрнини топишда, адолатнинг батамом қарор топишида муайян тўсиқларга дуч келишмоқда. Тақдири топталган, айбсиз айбдор бўлган бундай кишиларга инсоний ёрдам қўлини чўзиш ўрнига жойлардаги айрим шахслар тўраларча, гоҳо очиқ-ойдин таъмагирлик билан муносабатда бўлаётганликлари ҳақида сигналлар бор... Айбсиз айбдор бўлган кишилар олдида уларга шафқатсизларча муносабатни қўллаган тергов органлари, уларнинг жойлардаги вакиллари ва бундай туҳматга учраган кишиларни тергов органларининг юзаки тавсиялари билан партия сафларидан ўчирган ва бошқа тартибда тазйиқ ўтказган, ўлганнинг устига чиқиб тепиб, уларнинг арз-додларини эшитмаган, инсоний ёрдам қўлини чўзмаган кишилар ҳеч бўлмаганда энди виждон азобидан кўзларини очса бўлармиди!

— «Пахта иши»даги айбномалар Гдлянинг жумҳуриятдаги издошлари, Гайданов, Дидоренко, Рукин, Лаптев, Читаков, Сёмкин каби генераллар ва полковникларнинг актив фаолияти билан боғлиқ эканлигига сиз ҳам қўшилсангиз керак. Улар тўқиган «айбнома» бўхтонлари ўз пайтида катта қонуний ҳуқуққа эга эди. Аксарият ҳолларда бу «айбнома»ларни суд ҳайъати ҳам кўз юмиб, тасдиқлаб келганди. «Бу «айбнома»ларни, суд «ҳукмлари»ни фош этишда комиссия таркибига кирган ҳуқуқ посбонлари нечоғлик фаолият кўрсатишди? Сиз комиссиядаги ҳуқуқшунослар фаолиятини қандай баҳолайсиз?

— Комиссия аъзолари жумҳурият Олий суди биносидаги ўз қароргоҳида сўнгги бир ярим йил мобайнида вақт билан ҳисоблашмай ишлади. Улар томонидан минглаб одамлар қабул қилинди, уларнинг ариза ва шикоятлари синчиклаб ўрганиб чиқилди. «Пахта иши» юзасидан мурожаат қилган биронта киши эътибордан четда қолган эмас. Комиссия раисининг ўринбосари, Олий суд раисининг биринчи ўринбосари А. А. Полвонзода, ишчи гуруҳларининг раҳбарлари, Олий суд аъзолари А. Сарабеков, Д. Бердиқличев ва бошқалар ҳуқуқ посбонларига ҳос жасорат, билимдонлик ва фидоийлик фазилатларини намоён этдилар. Жумҳурият Олий судининг собиқ раиси, эндиликда Адлия вазири бўлган Муҳаммад-Бобур Мажидович Маликов комиссиямиз ишига кўрсатган амалий ёрдам ва ишчанликдан миннатдормиз. СССР халқ депутатлари Владимир Тўйчиевич Одилов, Эркин Юсупов, Аҳмаджон Мухторов, Йўлдош Акбаровлар каби бир қатор депутатларнинг адолат йўлидаги саъйи-ҳаракати ва фидойилиги бизга катта мадад бўлди. Комиссия ишида вилоятлардан таклиф этилган ўнлаб малакали юристлар, жумҳуриятнинг етук қонуншунослари, молия, банк, статистика идораларининг етакчи мутахассисларининг амалий тажрибаларига суяндик, улар билан ҳамфикр бўлиб ишладик. Вақти-соати келиб, эл-юрт «пахта иши» деб аталган маломатдан қутқаришда билимдонлик билан иш тутган, фидойилик кўрсатган ҳамма-ҳамманинг номини билиши керак!

— Айни пайтда ўзбек халқи ўзига «пахта иши»дек оғир маломатни тўқиб ёпиштирганларнинг ҳам рўйхатини билиши керак эмасми? «Пахта иши» юзасидан ноҳақ жабрланганларнинг кўлоғини боғлаб, тергов десанти қўлига топширганлардан кўпларининг ҳануз юзидан ниқоби тушганича йўқ...

— Начора, «пахта иши» халқимиз устига ёпирилган туҳмат балоси бўлди. Бу бало-қазо юртнинг шундай фарзандларини ҳам мажруҳ қилдики, баъзан ўйлаб турибсиз, бутун вужуди қақшайди кишининг. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Г. Хван бошқарган «Политотдел» колхози на фақат жумҳуриятда, балки Иттифоқда намуна хўжаликлардан эди. Хўжалик ҳаётида камчиликлар бўлса бўлгандир. Бироқ бундай нуқсонлар қаерда йўқ? Охир-оқибатда М. Г. Хван давлатнинг бирон сўмига кўз олайтирмагани тасдиқланди. Афсуски, бу ҳақиқат рўёбга чиққанга қадар мазкур колхоз раиси бир неча йиллик қамоқ жабрини тортди, соғлиғидан айрилди. Сариосиё районидаги «Коммунизм» агросаноат бирлашмасининг бош директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Берлингачага жанг билан борган Бобомурод Омоновни яхши танирдим... Пискент районидаги «Гулистон» колхозининг раиси Ислиддин Ҳайдаровни покиза инсон сифатида биларди. Улар ҳам тергов гуруҳининг атайлаб уюштирган туҳмат балосига дучор бўлдилар. Афсуски, Б. Омонов ва И. Ҳайдаров бугунги оқлов кунига етолмай баттол терговчилар қўлида жон таслим қилишди.

— Наврўз арафасида оқлов ҳукмини олган ва ҳали ола билмаган, бироқ уни илҳақ кутаётган юртдошларимизга, уларнинг оилаларига, дўсту-биродарларига қандай истак ва тилакларингиз бор?

— Наврўз азалдан бизнинг энг улуғ ва қутлуғ байрамимиздир. У бизнинг ота-боболаримиз минг йиллар нишонлаб келган янги йилимиз, ахир! Бу йилги Наврўз ўзгача бўлиши кутилмоқда. Сўнгги пайтда кўплаб бегуноҳ инсонлар маҳбусликдан озод бўлдилар, туҳмат балосидан фориғ бўлиб, оқландилар. Комиссияда кўрилаётган ишлар юзасидан яна мингга яқин одам оқланиши кутилмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон жумҳурияти Президенти И. А. Каримовнинг Фармони билан Наврўз арафасида маҳбусларнинг алоҳида гуруҳи авф этилиши ҳақидаги хушхабар ҳам олқишлаб кутиб олинди. Бу йилги Наврўз байрами давраси элнинг шоду-хуррамлигига, бахтиёр қаҳқаҳасига тўлиб тошиши турган гап. Бахтиёр инсонларгина бахтли жамият қура оладилар. Шундай экан, инсон тақдирига ҳеч қачон, ҳеч қандай шароитда ҳам лоқайд боқмайлик! Инсон дунёга оқ бўлиб келади, уни аввал «қоралаб», кейин «оқлаб» ўтирмайлик. Покиза вужуд, бегуноҳ инсон, соф ниятли бирон бир киши бизнинг жамиятда озор топмаслиги керак. Адолатдан улуғ неъмат йўқ. Мурувватдан улуғ саховат борми? Ўз халқига хизмат қилишдан катта бахт ҳам йўқ!

Ўзбекистон Президенти «пахта иш»ларини қайта кўриш, бегуноҳ одамларни оқлаш, ҳалол кишиларни сафимизга қайтариш ташаббуси билан чиққанда, ҳеч шубҳа йўққи, мана шу ниятларни қалбга туккан. Бахтимизга минг қатла шукурки, жумҳурият мана шу адолат йўлидан бормоқда. «Пахта иши» оғир кўчди, лекин унинг қобиғига ўралган ришлар эртами-кеч фош этилади... Айни пайтда у бизга катта сабоқ ҳам қолдирди. Биз энди кимнинг кимлигини биламиз!

(Давоми. Боши рўзноманинг 50-сонида).

ЁРУҒ ЮЗЛИ ЎЗБЕГИМ!

Расул РАҲМОНОВ, Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ



ТАЛАБАЛАР ЖАМҒАРМАСИ

• Диққат: янгилик

Қорақалпоғистон республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги талабаларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Нукус шаҳрида шифокорлар жамғармаси ташкил этди. Унга тиббиёт муассасалари, корхоналари, илмий-тадқиқот институтлари, хуллас, жумҳурият шифокорлари, ҳамширалари бир кунлик иш ҳақини ана шу ҳисобга ўтказишга қарор қилдилар. Дастлабки куниёқ Орол сув қурилиши тиббиёт санитария қисми жамоаси 1300 сўм, 1-республика касалхонаси — 4000 сўм, жумҳурият санитария-эпидемиология станцияси — 1 минг 400 сўм, жумҳурият тери диспансер касалхонаси — 1100 сўм, 2-жумҳурият касалхонаси — 1 минг 130 сўм, Соғлиқни сақлаш вазирлиги — 900 сўм, Нукус шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли касалхона ва поликлиникалар — 3 минг сўм, Шуманай марказий район касалхонаси жамоаси 3 минг сўм пул ўтказдилар. Ҳар куни бу ҳисобга 1500—3000 сўм пул келиб тушяпти.

— Бўлажак шифокор талабаларга ёрдам жамғармаси очилиши талабаларнинг яшаш шароитини яхшилаш, назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлаб боришида, билимни пухта ўзлаштириб олишида муҳим амалий омил бўлиб хизмат қилади, — дейди Қорақалпоғистон республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Турсунбой Ешанов. — Биринчи навбатда Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ногиронлари, пенсионерлар, кўп болали оилаларнинг ўқитётган болаларига ёрдам берамиз.

Р. ЕШИМБЕТОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

• Наврўз арафасида



Улкамизда баҳор нафаси тобора нучлироқ сезилмоқда, Халқимиз Наврўзи оламни қаршиламоқда. Байрамга муносиб совғалар тайёрлаш йўлида астойдил ҳаракат қилинаётир. Жомбой районидаги «Жомбой» совхози меҳнаткашлари ҳам тўйга тўёна ҳозирлашаётир. Бу йил сабзавот экиладиган майдонлар 6 гектарга, боғ-роғлар эса 5 гектарга кенгайтирилади. Ҳозир хўжалик далаларида кўчат ўтказиш қизғин.

Суратда: хўжаликда янги боғларга ишлов бериш пайти акс эттирилган. Олдинда эса илғор ишчи Саъдулло Сафаров ва бригада бошлиғи Раҳмат Абдиев.

Т. ДАВЛАТОВ туширган сурат.

ҚАРДОШЛИК САЙЛИ

Мана бир неча йилдан буён Наврўз кунларини Бухоро вилоятининг Олот, Чоржўй вилоятининг Фароб райони меҳнаткашлари Ўзбекистон ва Туркманистон республикалари чегарасида қардошлик сайлида ўтказишади. Улар биргаликда яратган икки гектарлик боғдаги дарахтлар бу йилги Наврўз кунларида икки бор қийғос гуллайди.

Яқинда олотлик бир гуруҳ халқ депутатлари чоржўйлик-лар ҳузурида бўлиб, бу йилги қардошлик сайлини ўтказиш тадбирларини ўзаро келишиб олишди. Шунга асосан Наврўз кунларида икки республика чегарасида яна катта дастурхон ёзилади. Иккала район бадиий ҳаваскорлари беллашишади. Катта савдо кўргазмаси ташкил қилинади.

Шу кунги режага кўра олотликлар ва фароблик-лар куч-ғайрати билан бу ердаги қардошлик боғи яна 3 гектарга кенгайтирилиб, турли мевали дарахт кўчатлари ўтказилади.

Н. НАИМОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

1991 ЙИЛДА ЖУМҲУРИЯТ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ҚАБУЛ ҚОИДАЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

1. ЎзССР олий ўқув юртларига СССР фуқаролари ва СССР ҳудудида яшовчи чет эл фуқаролари қабул қилинади.

2. Олий ўқув юртига кирувчиларнинг барчаси ижтимоий келиб чиқиши, жинси, сўзлашув тили, ижтимоий ва мулкий ҳолати, ирқи, миллати, эътиқоди, партияга мансублиги, динга муносабати, ёши, машғулоти ва турар жойидан қатъи назар тенг ҳуқуқлидир.

3. Қабул тўғрисидаги аризага олий ўқув юртига кирувчининг ўрта ва олий маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, 086/У шаклидаги тиббий маълумотномаси, 3х4 см. ўлчамли 6 та фотосурат илова қилинади, паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

4. Кундузги бўлимга аризалар 25 июндан 15 июлгача қабул қилинади, имтиҳонлар 16 июлдан бошланади. Талабаликка қабул муддати 5 августгача.

Санъат соҳаси бўйича мутахассисликка., шунингдек ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун қабул муддати олий билимгоҳ томонидан белгиланади.

5. Олий ўқув юртига қабул қилиш имтиҳон топширувчи тўплаган баллар миқдори бўйича умумий конкурс натижаларига қараб ўтказилади.

Олий ўқув юртлари тайёрлов бўлимларининг битирувчилари битириш имтиҳонларида тўплаган баллари мазкур умумий конкурсда иштирок этишлари асосида қабул қилинадилар.

Тайёрлов бўлимининг тингловчилари ўз хоҳишлари билан кириш имтиҳонларини СССР Олий ўқув юртларига топширишлари ва шу имтиҳонлар натижалари билан бошқа абитуриентлар қатори умумий конкурсда иштирок этишлари мумкин.

Бир хил балл тўплаган ёки ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга кирувчиларни қабул қилиш тартиблари олий ўқув юрти қабул комиссияси томонидан белгиланади.

Кириш имтиҳонларида ижобий баҳо олган ҳарбий хизматдан ҳукумат белгилаган тегишли имтиёзлар билан қайтганлик ҳақидаги ҳужжатга эга бўлганлар, етимлар ва ота-онанинг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, олий ўқув юртида ўқиш учун шифокорлар меҳнат-эксперт комиссияларининг хулоса ҳужжатига эга бўлган I-II гуруҳ ногиронлари конкурсдан ташқари қабул қилинади.

6. Олий ўқув юртлари 2-5 та кириш имтиҳони белгилаши мумкин. Улардан бири ўзбек (Қорақалпоғистон жумҳуриятида қорақалпоқ) ёки рус тилидан.

Олий ўқув юрти қабул комиссияларига ЎзССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

— имтиҳонни ўтказиш шакли ва кириш имтиҳонларининг баҳо системасини белгилаш;

— комиссиянинг жойларга бориб имтиҳон олишини ташкил қилиш;

— олий ўқув юрти қабул комиссияси иштирок этган ўрта ўқув юртларининг битирув имтиҳонлари, олимпиада, айрим фанлар бўйича конкурс натижаларини кириш имтиҳонлари билан тенглаштириш;

— соҳага оид (конкурсли) айрим имтиҳонларни белгилаш ва шу имтиҳон натижаларида тўпланган баллар асосида қабул қилиш (одатда бу имтиҳонлар ёзма бўлади);

— айрим имтиҳонларни «ўтди», «ўтмади» тарзида икки балли баҳо билан белгилаш.

7. Жумҳуриятнинг барча олий ўқув юртларида кириш имтиҳонлари кирувчининг ихтиёри билан ўзбек (Қорақалпоғистон жумҳуриятида қорақалпоқ) ёки рус тилида топширилади.

8. Барча кириш имтиҳонлари (санъат ва жисмоний тарбия мутахассислиги олий билимгоҳларидан ташқари) ўрта умумтаълим мактабларининг ўқув дастурлари билан мувофиқлаштирилган дастурлар асосида ўтказилади.

9. Мактабни олтин (кумуш) медаль билан, ўрта махсус ўқув юртлари ёки ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли диплом билан тугаллаганлар имтиҳон комиссияси белгилаган тартибга кўра 1 та фандан имтиҳон топширадилар. Битта имтиҳонни «аъло»га топширган абитуриент бошқа имтиҳонлардан озод қилинади, агар шу имтиҳонни «аъло»дан бошқа ижобий баҳога топширса, қолган фанлардан ҳам имтиҳон топширади.

Ўрта таълим базасидаги ҳунар-техника билим юртини «аъло» диплом билан тугатган шахслар ўзи эгаллаган соҳа ихтисослигига кираётган ҳолда мазкур тартибга амал қилинади.

10. Имтиҳонга сабабсиз қатнашмаган ёки «қониқарсиз» ва «ўтмади» билан баҳоланганлар навбатдаги имтиҳонларга киритилмайди.

Имтиҳон баҳосини ўзгартириш ҳақидаги аризалар апелляцияга оғзаки имтиҳон топширилган кунда, агар ёзма имтиҳон бўлса, баҳо эълон қилинган кунда берилиши керак.

Апелляцияга топшириш ва уни кўриб чиқиш тартиблари қабул комиссияси томонидан белгиланади.

11. Қабул билан боғлиқ ҳамма масалалар қабул комиссиясида ҳал қилинади.

ҚАБУЛ ШАРТЛАРИ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР ҲАМДА ҚАБУЛ КОМИССИЯСИНИНГ ҲАММА ҚАРОРЛАРИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИГА КИРУВЧИЛАРГА ЎЗ ВАҚТИДА ЕТКАЗИЛИШИ КЕРАК.

Тошкент халқ хўжалиги олий билимгоҳи жамоаси «Ҳисоблаш техникаси» кафедрасининг доценти Л. Ф. Аюповга рафиқаси

Турсуной АЮПОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги Вазирлик назорат ва иш юритиш бўлимининг 1-тоифадаги мутахассиси З. Т. Қосимовага онаси

Қумри ИСМАТУЛЛАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қўлёзмалар илмгоҳи жамоаси илмгоҳнинг бош илмий ходими, филология фанлари доктори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, шоир

ХОЛИД РАСУЛнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.


Тошкент педиатрия тиббиёт олий билимгоҳи ректорати, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари ҳамда умумий ва биоорганик кимё кафедраси жамоаси кафедра ассистенти В. К. Ойхўжаевга онаси

Соима СУЛТОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХЎЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-34-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.

Буюртма № 5091.

№ 52. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида. А—2 форматида босилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12